O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI MILLIY KITOB PALATASI INV.№

...SHU AZIZ VATAN — BARCHAMIZNIKI

O'ZBEKISTON OVOZI

O'ZBEKISTON XALQ DEMOKRATIK PARTIYASI

IJTIMOIY-SIYOSIY GAZETA

• 2007-yil • 27-fevral • Seshanba • 25 (27.670) • www.uzbekistonovozi.uz • 1918-yil 21-iyundan chiqa boshlagan

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИНИНГ ФАРМОНИ

ХАЛҚ ТАЪЛИМИ МУАССАСАЛАРИНИ МОЛИЯЛАШТИРИШ МЕХАНИЗМИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ ТЎҒРИСИДА

Халқ таълими муассасаларини молиялаштириш механизмини такомиллаштириш, молиявий-иқтисодий масалаларни ҳал этишда таълим муассасаларининг мустақиллигини кенгайтириш ва масъулиятини ошириш, бюджет маблағларидан мақсадли ва самарали фойдаланиш, шунингдек, таълим-тарбия жараёнини мувофиқлаштириш ва услубий раҳбарлик қилишни кучайтириш мақсадида:

1. Халқ таълими муассасаларини хисоб-китоб — молиявий жиҳатдан таъминлаш, уларнинг сарф-харажатларини ҳисобга олиш ва назорат қилиш функциялари ҳамда тузилмаларини Қорақалпоғистон Республикаси Халқ таълими вазирлиги, вилоятлар ва Тошкент шаҳар халқ таълими бошқармалари, халқ таълими туман ва шаҳар бўлимларидан тегишли ҳудудий молия органларига топшириш тўғрисида Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлиги, Молия вазирлиги, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликларининг таклифи қабул қилинсин.

Белгиланснки, халқ таълими муассасаларининг фаолиятини молиялаштириш бевосита ҳудудий молия органлари томонидан амалга оширилади.

2. Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги бир ой муддатда ҳудудий молия органлари тузилмасида Қорақалпоғистон Республикаси Халқ таълими вазирлиги, вилоятлар ва Тошкент шаҳар халқ таълими бошқармалари, халқ таълими туман ва шаҳар бўлимларининг топширилаётган марказлаштирилган бухгалтериялари ва марказлаштирилган хўжалик хизмати кўрсатиш гуруҳлари негизида халқ таълими муассасаларини молиялаштириш бўлимлари ташкил қилинсин.

Ҳудудий молия органлари зиммасига қўшимча равишда қуйидаги асосий вазифа ва функциялар юкланснн:

халқ таълими муассасалари билан биргаликда харажатлар сметаси ва штат жадвалларини ишлаб чиқиш, уларни молиялаштириш, шунингдек, иш ҳақи ва унга тенгалштирилган тўловларни ҳисоблаш;

Ғазначилик ҳудудий бўлинмалари билан ҳамкорликда халқ таълими муассасаларининг топшириқлари бўйича ҳисоб-китоб операцияларини амалга ошириш, шунингдек, уларнинг фаолияти бўйича ҳисоб ва ҳисоботларни юритиш;

халқ таълими муассасаларида бюджет маблағларидан мақсадли ва самарали фойдаланишни ҳамда бюджет интизомига риоя этишни, шу жумладан халқ таълими ходимлари меҳнатига ҳақ тўлашнинг такомиллаштирилган тизими талабларини бажаришни таъминлаш;

халқ таълими муассасаларининг харажатлар сметаси доирасида халқ таълими муассасаларининг буюртмаларига мувофиқ ва уларнинг эҳтиёжларидан келиб чиққан ҳолда товарлар харид қилиш ва хизматлар кўрсатиш учун шартномалар тузиш, шунингдек, истеъмол лимитлари ва сарф-харажат нормаларига риоя этилишини мониторинг қилиб бориш.

3. Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлиги, Қорақалпоғистон Республикаси Халқ таълими вазирлиги, вилоятлар ва Тошкент шаҳар халқ таълими бошқармалари, халқ таълими туман ва шаҳар бўлимлари мактабгача тарбия, умумий ўрта ва мактабдан ташқари таълим муассасаларидаги услубий ва таълим-тарбия ишларни такомиллаштириш масалаларини ўз фаолияти марказида тутсин ва бунда қуйидагиларга асосий эътиборни қаратсин:

халқ таълими муассасалари томонидан Ўзбекистон Республикасининг «Таълим тўғрисида»ги Қонуни қоидаларига ҳамда умумий ўрта таълимнинг белгиланган давлат таълим стандартларига риоя этилиши мониторингини амалга ошириш;

идоравий бўйсуниши ва мулкчилик шаклидан қатъи назар, таълим муассасаларига услубий раҳбарликни такомиллаштириш, замонавий таълим шаклларини, янги педагогик ва ахборот технологиялари, маънавий-ахлоқий тарбиянинг самарали шакл ва усулларини таълим-тарбия жараёнига татбиқ этиш;

республика етакчи ўқитувчилари ва умумтаълим муассасаларининг ижобий иш тажрибасини ўрганиш ва умумлаштириш ҳамда унинг умумтаълим мактаблари ўқув-услубий ва тарбиявий ишида кенг оммалашувига кўмаклашиш;

2004-2009 йилларда Мактаб таълимини ривожлантириш Давлат умуммиллий дастурида назарда тутилган чора-тадбирларнинг вилоятлар, шаҳар ва туманларда рўёбга чиқарилишини таъминлаш борасидаги тадбирлар комплексини амалга ошириш.

4. Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги ва Молия вазирлиги бир ой муддатда манфаатдор вазирликлар ва идоралар билан биргаликда қонун ҳужжатларига мазкур Фармондан келиб чиқадиган ўзгартиш ва қўшимчалар тўғрисида Вазирлар Маҳкамасига таклифлар киритсин.

5. Ушбу Фармоннинг ижросини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Бош вазири Ш.Мирзиёев зиммасига юклансин.

Ўзбекистон Республикаси Президенти И.КАРИМОВ

Тошкент шаҳри,
2007 йил 26 февраль

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИ ИСЛОМ КАРИМОВ ЖАНОБИ ОЛИЙЛАРИГА

Тошкентнинг ислом маданияти пойтахти этиб эълон қилиниши муносабати билан Сиз, Жаноби Олийларига ва буюк Ўзбекистон халқига қувонч билан йўллаётган табрикларимни қабул этгайсиз.

Шубҳасиз, бу қарор гўзал ўзбек заминида яшаб ижод этган буюк аллома ва мутафаккирлар илмий тадқиқот ва хизматлари эътирофининг яна бир далилидир. Улар бутун тарих давомида ислом маданияти ва маърифатини ривожлантириш ҳамда ёйишга улкан ҳисса қўшиб келганлар ва авлодларга бебаҳо мерос қолдирганлар.

Фурсатдан фойдаланиб, Парвардигордан Сиз, Жаноби Олийларига сиҳат-саломатлик ва муваффақиятлар, буюк ва дўст Ўзбекистоннинг ҳукумати ва халқига тараққиёт ҳамда фаровонлик ато этишини сўрайман.

Маҳмуд АҲМАДИНЕЖАД,
Эрон Ислом Республикаси Президенти

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИНИНГ ҚАРОРИ

НАВРЎЗ УМУМХАЛҚ БАЙРАМИНИ КЕНГ НИШОНЛАШ ТЎҒРИСИДА

Энг қадимий ва асл миллий қадриятларимиздан бири бўлмиш Наврўз мустақиллик йилларида юртимизда яшаётган барча миллат ва элатлар учун том маънодаги умумхалқ байрамига айланди. Наврўз руҳи ва фалсафаси одамзотни табиат билан уйғун яшашга, жамиятимизда меҳр-оқибат, дўстлик ва ўзаро ҳамжиҳатлик муҳитини янада мустаҳкамлашга хизмат қилиши билан айниқса эътиборлидир.

Кейинги пайтда бу байрамни барча ҳудуд ва минтақаларимизда, маҳалла ва меҳнат жамоаларида Вазирлар Маҳкамасининг 2004 йил 17 мартдаги 128-қарорида белгиланган тартибда, маҳаллий иқлим ва табиий шароитдан келиб чиққан ҳолда, катта шодиёна билан нишонлаш яхши анъанага айланиб бормоқда.

Бу йилги Наврўз байрамини ҳам ҳар томонлама юксак даражада, уюшқоқлик ва кўтаринки руҳда ўтказиш учун қулай шарт-шароит яратиш мақсадида:

1. Мустақиллик куни ва Наврўз умумхалқ байрамларини ташкил этиш бўйича доимий фаолият кўрсатувчи Республика комиссияси (Ш.Мирзиёев) Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳрида Наврўз байрамини ҳамда байрам томошаларини ўтказиш билан боғлиқ ташкилий, маданий-маърифий ишлар дастурини, жойларда жамоат тартиби ва фуқаролар хавфсизлигини таъминлаш бўйича тегишли чора-тадбирларни ишлаб чиқсин ва уларнинг амалга оширилишини таъминласин.

2. Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари:

Ўзбекистон Республикаси Маданият ва спорт ишлари вазирлиги, Республика «Маҳалла» жамғармаси, Республика Маънавият тарғибот маркази ва бошқа тегишли ташкилотлар билан биргаликда жойларда байрам тадбирларини халқ сайиллари ва оммавий спорт ўйинлари шаклида ташкил этиш, уларда аҳолининг кенг қатламлари иштирок этишини таъминлаш мақсадида турли кўрик-танловлар уюштирсин;

ёшлар ўртасида Ватанга муҳаббат ва садоқат, инсонпарварлик фазилатларини тарбиялаш, миллий урф-одат, анъана ва қадриятларнинг ҳаётимиздаги ўрни ва аҳамиятини очиб беришга қаратилган суҳбат ва учрашувлар, маърифий тадбирларни ташкил этсин;

байрам тадбирларига фольклор гуруҳлари, бадиий ҳаваскорлик жамоалари, оилавий ансамбллар, бахши шоирлар, шунингдек, профессионал ижрочилар ва истеъдодли эстрада хонандаларини танлов асосида жалб этсин;

муҳим саноат иншоотлари ва ижтимоий объектларни Наврўз умумхалқ байрамигача ишга туширишни ўз вақтида тугаллаш учун тегишли тадбирларни белгиласин.

3. Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги Вазирлар Маҳкамасининг «Оммавий тадбирларни ўтказиш қоидаларини тасдиқлаш тўғрисида»ги 2003 йил 13 январдаги 15-қарори талаблари асосида Наврўз умумхалқ байрамини ўтказиш учун жойларда жамоат тартибини сақлаш, ёнғин ва йўл ҳаракати хавфсизлигини таъминлаш чора-тадбирларини кўрсин.

4. Белгилаб қўйилсинки, ўтказиладиган байрам тадбирлари:

Қорақалпоғистон Республикаси ва вилоятларда маҳаллий бюджетлар ҳамда жойлардаги ишлаб чиқариш корхоналари, хўжаликлар, жамғармалар ҳисобидан;

Тошкент шаҳрида республика бюджети ва Тошкент шаҳар маҳаллий бюджети маблағлари ҳисобидан тенг улушларда қопланади.

5. Республика «Маҳалла» жамғармаси, вазирлик ва идоралар, маҳаллий ҳокимликлар ҳамда жамоатчилик вакилларининг 2007 йил март ойида мамлакатимизда ободонлаштириш ва кўкаламзорлаштириш ойлигини ҳамда 10-11 март кунлари умумхалқ хайрия ҳашарини ўтказиш тўғрисидаги таклифлари маъқуллансин.

Маҳаллаларни ободонлаштириш, «Ижтимоий ҳимоя йили» дастурида кўзда тутилган тадбирларни амалга ошириш, хусусан, «Меҳрибонлик», «Саховат», «Мурувват» уйлари ва бошқа ихтисослаштирилган муассасаларнинг моддий-техник базасини яхшилаш ва уларни зарур асбоб-ускуналар, инвентарлар билан жиҳозлашга ўз ҳиссасини қўшиш мақсадида вазирликлар, идоралар ҳамда мулкчилик шаклидан қатъи назар, барча корхоналар, ташкилот ва муассасалар ишчи-хизматчиларининг «Маҳалла» хайрия жамғармасининг Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар бўлимлари ҳисоб рақамларига бир кунлик иш ҳақи миқдорида маблағ ўтказиш тўғрисидаги ташаббуслари қўллаб-қувватлансин.

6. Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлиги, Р.Шредер номидаги илмий-ишлаб чиқариш корпорацияси, Ўрмончилик илмий-тадқиқот институти маҳаллалар ҳудудларини кўкаламзорлаштириш ва янги боғ-роғлар барпо этиш учун зарур бўлган манзарали ва мевали дарахт кўчатларини тегишли ташкилотларга буюртма асосида ўз вақтида етказиб беришни таъминласин.

7. Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлиги, Ўзбекистон Миллий телерадиокомпанияси, Ўзбекистон Миллий ахборот агентлиги, «Жаҳон» ахборот агентлиги ва бошқа оммавий ахборот воситаларига Наврўз умумхалқ байрамига тайёргарлик кўриш борасида амалга оширилаётган ишларни кенг кўламда ёритиб бориш тавсия этилсин.

8. Мазкур қарорнинг бажарилишини назорат қилиш Ўзбекистон Республикасининг Бош вазири Ш.Мирзиёев зиммасига юклансин.

Ўзбекистон Республикаси Президенти И.КАРИМОВ

Тошкент шаҳри,
2007 йил 23 февраль

❖ **2007 ЙИЛ — «Ижтимоий ҳимоя йили»**

«ЯНГИ АВЛОД ФОРУМИ» БОЛАЛАР ИЖОДИЁТИ МАРКАЗИ

«Ўзбекистон маданияти ва санъати форуми» жамғармаси мамлакатимиз илм-фани, иқтисодиёти ва маданиятини янада юксалтириш, аждодларимизнинг бой меросини ёшлар ўртасида кенг тарғиб қилишдек эзгу мақсадлар йўлида бир қатор хайрли ишларни амалга ошириб келмоқда. «Навқирон Ўзбекистон», «Янги авлод» фестивалларн, «Келажак овози» танлови, таълим грантлари, иқтидорли талабалар учун стипендиялар жорий этилиши, истеъдодли ёшларимизни юзага чиқариш, уларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлашга хизмат қилмоқда.

Шунингдек, мактаб ёшидаги болаларнинг замон талаблари даражасида ўқиб-ўрганишлари учун имкон доирасида уларга шарт-шароит яратиб бериш йўлида ҳам изланишлар олиб борилмоқда. Яқинда жамғарма пойтахтимизнинг Пушкин кўчасида жойлашган, йиллар давомида қаровсиз ётган икки қаватли бинони қайта таъмирлаб, «Янги авлод форуми» Болалар ижодиёти марказига айлантирди. Куни кеча эса мазкур марказнинг очилиш маросими бўлиб ўтди.

— Янги марказимизда компьютер технологиялари, шоҳмот, чет тиллари (инглиз, француз), хореография каби тўгараклар, ёш мухбирлар ва интеллектуал салоҳиятни юксалтириш клублари, театр студияси ташкил этилди, — дейди **марказ директори Мақсуда Раҳматуллаева.** — Шунингдек, болалар расмлари галереяси ва кутубхона ҳам фаолият кўрсата бошлади. Буларда 6-16 ёш оралиғидаги болалар бепул шуғулланиш имкониятига эга бўлдилар. Бугунги кунгача тўгаракларга 300 нафарга яқин ўқувчи қатнашиш истагини билдирди.

— Мен инглиз тили, компьютер технологиялари тўгракларига қатнашаяпман, — **дейди 18-мактабнинг 8-синф ўқувчиси Ойдин Нормуродова.** — Шаҳримиздаги кўп ижодиёт марказларида бўлганман, лекин бунақасини кўрмагандим. Ушбу марказ бошқаларидан шарт-шароитларнинг зўрлиги билан фарқ қилади. Хоналар жуда чиройли қилиб таъмирланибди, янги жиҳозлар, компьютерлар келтирилибди.

— Очиғи, бу ердаги имкониятларни кўриб, лол қолдим. — дейди **Ўзбекистон Республикаси санъат арбоби, рассом Ортиқали Қозоқов,** — «Ўзбекистон маданияти ва санъати форуми» жамғармаси жуда катта саховатли ишга қўл урибди. Ушбу марказда ўқиб-ўрганган ҳар бир бола, албатта, келажакда яхши касб-ҳунар соҳиби бўлади. Уларнинг орасидан истеъдодли рассомлар ҳам етишиб чиқишига ишончим комил.

Янги Болалар ижодиёти марказини кўздан кечирарканмиз, 7-8 ёшлар атрофидаги болага кўзимиз тушди. Сардор 2-синф ўқувчиси экан. Ҳайратланарли томони шундаки, Сардор энг сўнгги русумдаги компьютерда ишлаётган экан. У аллақандай ўйинларни ўйнамай, «Microsoft Word» дастурида ишлашни ўрганаяпти. Бу ерда бўлган ҳар бир киши мустақиллик бизга нима берди, деган саволга яна бир бор жавоб топгандай бўлади.

Мана шу манзараларни ўз кўзимиз билан кўриб, такрор бўлса-да юракнинг тўридан жой олган мустақиллигимизга яна бир марта шукрона айтгимиз келди.

Маъмуржон МАҲМУД,
Жасур ҲУСАНОВ

Суратларда: янги Болалар ижодиёти маркази фаолиятидан лавҳалар.

Абдувоси ҲАЙДАРОВ олган суратлар

ЭЗГУЛИК ТАОМИ СУМАЛАК

Қаршида кўклам нафаси ўзгача руҳда кутиб олинмоқда.

— Баҳор эзгулик, қут-барака элчиси, — дейди ЎзХДП Қарши шаҳар кенгаши раиси ўринбосари, «Насаф» газетаси муҳаррири Комила Каромова. — Ҳамма жойда бўлгани каби шаҳримизда ободонлаштириш, кўчат экиш ишлари бошланиб кетган. Наврўз эшик қоқаётган кунларда кўкламнинг суюкли таоми сумалак пиширишг эзгулик, яхши тилаклардан бир нишона.

Воҳада илк сумалак Қарши шаҳарида пиширилди. У шаҳардаги «Меҳрибонлик» ва «Мурувват» уйлари, ёрдамга муҳтож кишиларга тарқатилди.

— Бу хайрли ишда катта маъно бор, — дейди Қарши шаҳар «Маҳалла» хайрия жамғармаси раиси, партиямиз фаоли Руйиддин Раҳимов. — Чунки қиш охирлаб, баҳор эшик қоққан кунларда муҳтож кишиларни йўқлаш халқимизга хос удумлардан биридир. Бундай тадбирлар эса Наврўз байрамига қадар ҳар бир маҳаллада ўтказилади. Зеро, «Ижтимоий ҳимоя йили»да ҳеч ким эътибордан четда қолмайди.

Юнус УЗОҚОВ

БУ ҲАҚДА...

«...Биз она заминимиз бағридаги ҳар бир моддий ва маънавий мерос намунасини кўз қорачиғидек асраб-авайлаш, қайта тиклаш ва таъмирлаш бўйича қилаётган бу ишларимизни кимгадир намойиш қилиш, кўз-кўз этиш учун эмас, аксинча, келажагимизни ўйлаб, онгимиз ва қалбимиз даъвати билан амалга оширмоқдамиз. Токи эртага бизнинг ўрнимизга келадиган, биз бошлаган олижаноб ишларни муносиб давом эттиришга қодир бўлган ёшларимиз ана шу бебаҳо маънавий бойликдан баҳраманд бўлсин, шу асосда ўзининг кимлиги, қандай буюк зотларнинг авлоди эканини англаб етсин.»

БУ ҲАҚДА мамлакатимиз Президенти Ислом Каримов «Туркистон-пресс» нодавлат ахборот агентлиги мухбирига берган интервюсида алоҳида таъкидлади.

O'zbekiston havo yo'llari
TOSHKENT XALQARO AEROPORTI
Хизматлар лицензияланган

Долзарб мавзу

БОЛАЛАР СПОРТИ

АҲАМИЯТИ, МОҲИЯТИ, ҚАДР-ҚИММАТИ ҲАҚИДА МУЛОҲАЗАЛАР

Фақат жисмоний жиҳатдан бақувват бўлган одамни тарбиялаш унчалик қийин эмас. Аммо уни ҳам жисмоний, ҳам маънавий жиҳатдан камол топтириш ғоят мураккаб вазифа. Айниқса, бугунги кунда — мафкуравий курашлар гоҳ ошкора, гоҳ пинҳона тус олган ҳозирги нозик, қалтис шароитда, таҳликали замонда.

Ислом КАРИМОВ

Қадим китобларни варақлаб кўринг, дунёни кезиб бирмабир сўров ўтказинг, ҳеч қаерда ўз боласи ёмон бўлишини хоҳлаган бирорта ота-онани, халқни топаолмайсиз. Ҳамма ҳам фарзанди соғлом, ақлли, довюрак, ватанпарвар бўлиб вояга етишини орзу қилади. Аммо, яна бир ҳақиқат ҳам бор — ҳеч ким қуруқ ҳавас билан мақсадига эришмаган. Кўзланган довонга амалий ишлар билангина кўтарилиш мумкин. Бошқача айтганда, баркамол авлод тарбияси, миллат саломатлиги, кучи, қудрати ота-она, жамият ва давлатнинг меҳнати, саъй-ҳаракатига боғлиқ бўлади. Буни ўз ҳаётимиз мисолида ҳам кўриб-билиб турибмиз.

Яқинда Франциянинг кўзга кўринган нашрларидан бири «Le Petit Journal»да «Ўзбекистонда болалар спортининг тараққиёти» сарлавҳали мақола босилди. Унда мамлакатимизда болалар спортини ривожлантириш борасида фаол сиёсат олиб борилаётгани ҳақида ҳикоя қилинади.

Табиий савол туғилади: дунёда ҳар жиҳатдан, хусусан, спорт соҳасида ҳам катта нуфузга эга Франциядек мамлакат вакилини Ўзбекистонда болалар спорти бўйича олиб борилаётган ишлар нимаси билан ҳайратга солди?

Маълумки, одам бирор янгиликни кўрса, ҳаяжонга тушади, таъсирланади. Демак, болалар спортини ривожлантириш бўйича амалга оширилаётган ишларимизнинг ибратли томонлари борки, уни дунё тан олмоқда. «Умид ниҳоллари», «Баркамол авлод» ва «Универсиада» мусобақаларидан иборат узлуксиз уч босқичли болалар ва ёшлар спортини ривожлантириш ўйинлари, «Болалар спорт жамғармаси»нинг ташкил этилиши, болалар спорти моддий-техника базасини мустаҳкамлаш борасидаги тажрибалар кўплаб мамлакатлар мутахассисларида қизиқиш уйғотмоқда.

Дарҳақиқат, бу борада ҳавас қилса арзигулик ишларимиз оз эмас. «Болалар спорт жамғармаси» маълумотига кўра, ўтган 2006 йилда 164 та спорт иншооти фойдаланишга топширилди, улардан 137 таси, яъни 85 фоизи қишлоқ жойларида барпо этилди. Бу спорт иншоотларига «Спорт карвонлари» шиори остида жами 2,3 млрд. сўмлик спорт асбоб-ускуналари етказиб берилди.

Шунингдек, ижтимоий муҳофазага муҳтож оилаларнинг спорт билан шуғулланаётган фарзандларига 1,9 млрд. сўмлик спорт экипировкалари (спорт костюм ва шим, футболка, красовка, рюкзак ва спорт анжомлари) топширилди.

2007 йилда режалаштирилган 174 та объектдан (10 таси янги қурилиш, 147 та мактабга спорт зал ва 17 таси реконструкция) 149 таси, яъни 87 фоизи қишлоқ жойларда қурилиши кўзда тутилган.

Худди шу ўринда яна бир савол устида мулоҳаза юритайлик: мамлакатимизда спортга, айниқса болалар спортига нега бунчалик жиддий эътибор қаратилмоқда? Бу масала нега давлатимизнинг устувор вазифаларидан бири даражасига кўтарилди?

Маълумки, мустабид замоннинг пахта яккаҳокимлиги, оғир ижтимоий турмуш шароитида кун кўриб, саломатлигини йўқотган халқимиз қаддини тиклаш, миллат генофондини соғломлаштиришдек муҳим вазифа мустақилликнинг дастлабки кунлариданоқ кун тартибига қўйилди. Биз спортни шунчаки жисмоний ўйин деб эмас, балки соғлом авлодни камол топтиришда энг муҳим восита деб қарадик. Шу боис, МДҲда биринчи бўлиб, «Жисмоний тарбия ва спорт тўғрисида» Қонун қабул қилинди, «Соғлом авлод учун» ордени таъсис этилди. Соғлом авлод Давлат дастури ишлаб чиқилди, оммавий спорт турларини ривожлантириш бўйича қатор қарорлар қабул қилинди.

Афсуски, тўғрисини айтиш керак, спортнинг биз ҳали чуқур билмаган, қадрига етмаган жиҳатлари кўп. Спорт ҳақида гап кетса, кўпчилик уни жисмонан чиниқиш омили, юртни оламга танитишнинг муҳим воситаси деб билади, холос. Яъни, спорт билан мунтазам шуғулланган одам соғлом ва кучли бўлади, агар у катта мусобақаларда ғолиб чиқса, мамлакат шуҳратига шуҳрат қўшади.

Лекин болалар спортини ривожлантириш, оммавийлаштириш, яъни жойларда минг-минглаб болаларни спорт машғулотларига жалб қилишнинг энг биринчи саодати — жамиятда соғлом турмуш тарзини шакллантириш орқали миллат саломатлигини мустаҳкамлаш. Қанча кўп бола спортга жалб этилса, спорт ва жисмоний тарбия уларнинг кундалик эҳтиёжига айланса, жамият шунча соғлом ва кучли бўлади. Оммавийлик бўлса, чемпионлар етишиб чиқаверади. Назаримизда спортнинг хизмати, фойдаси ана шулар. Аслида унинг булардан-да муҳим жиҳатлари бор.

Спорт болаларни, ёшларни, ота-оналарни, оилаларни, жамиятни, давлатни кўп ёмонликлар, фожиалар ва бахтсизликлардан асрайди. Спорт билан дўстлашган боланинг кўчада юришга вақти бўлмайди, демак, у ёмонлар тўдасига тушиб қолмайди, ичкиликбозлик, гиёҳвандлик каби иллатлардан узоқда бўлади.

Масаланинг яна бир қирраси устида чуқурроқ ўйлаб кўриш лозим бўлади. Юртбошимиз таъкидлаганидай, ҳозирги ғоят мураккаб вазиятда, мафкуравий курашлар тобора авж олаётган, ёт мафкура ва турли ақидапарастликлар, экстремистик оқимлар ёшлар қалби ва онгини заҳарлашга уринаётган бир пайтда болалар ва ёшларни спортга жалб этишнинг аҳамияти нақадар муҳимлигини англаш қийин эмас. Спорт ҳеч бир ота-она, ҳеч бир киши қурби етмайдиган яхшиликларни болага ҳадя этади.

Спорт — болани оғир меҳнатга чидашга, курашишга, қийинчиликларни енгиб ўтишга ўргатади. Шу жараёнда унинг иродаси, характери тобланиб, шаклланиб боради. Ориятли, ғурурли бўлиб вояга етади. Майдонга тушиб, очиқ, ҳалол курашиб юрган одам довюрак, мард бўлади. Бундайлардан қўрқоқлар, иродасизлар, сотқинлар чиқмайди. Спорт болани соғлом, кўркам, қадди-қоматини тик, қадамларини шаҳдам, қарашларини ўктам қилиб тарбиялайди.

Спортнинг яна бир бебаҳо хизмати шундаки, у кишини ватанга садоқат руҳида улғайтиради. Чунки, бола спорт орқали аввал ўз мактаби, маҳалласи, қишлоғи... сўнгра Ватан, Миллат шаънини ҳимоя этадиган бўлади. Чунки у спорт курашларига ўз давлати байроғи остида Ватани, Миллати номидан тушади. Бундай шонш-шавкатга муяссар бўлиш бахти нақадар азиз ва тотли эканини бошидан ўтганлар яхши билишади.

Қолаверса, спорт — одамни эл-юртга танитади, машҳур қилади, дунёни кўришга имкон яратади, дўстларини кўпайтиради.

Бола тарбияси ва спорт ҳақида гап кетганда, бир аччиқ ҳақиқатни тан олиш керак бўлади. Ҳар бир ота-она учун бола жондан азиз ҳисобланади. «Ҳаммамиз болачақа деб юрибмиз, шуларни деб ўзимизни ўтга-чўққа урамиз», қабилида гапирамиз. Ростдан ҳам шундай, буни ҳеч ким инкор эта олмайди. Афсуски, жонимиздан азиз ҳисобланган, бебаҳо бойлигимиз, умримиз давомчилари, эртамиз ворислари бўлган фарзандларимиз тарбиясига ҳар доим ҳам вақт ажрата олмаймиз. Турли табақадаги дўсту танишлар билан учрашиб, соатлаб суҳбатлашишга, гапу гаштакка, чойхона гурунгига вақт топамизу ўғил-қизимизни спорт майдонига, компьютер ёки мусиқа тўгарагига етаклаб олиб боришга вақтимиз «етмайди». Лекин бошимиз деворга теккач, милиция ва судга ойлаб қатнашга вақт топамиз. Ёки ёмонлар чангалидан боламизни қутқариб олиш учун йиллаб зорқақшаб югурамиз. Бундай воқеаларга кўп бор гувоҳ бўлганмиз.

Халқда ҳар ким экканини ўради, деган ҳикмат бор. Вақтида болалари тарбиясига қайғурганлар эса ўз меҳнатлари мукофотини, роҳат-фароғатини кўриб юришганига ҳам кўплаб мисоллар келтириш мумкин. Ота-онанинг бола тарбиясига эътибори тўғрисида гап кетганда, кўпинча футболимиз юлдузи Миржалол Қосимовнинг отаси Қўшоқ ака ёдимга тушади. У Миржалолни етаклаб футбол майдонига борарди, машғулотларни охиригача кузатарди, мусобақаларни қолдирмасди. Чойхонада соатлаб гап сотиш, ошхўрлик қилиш ўрнига ўғлини футболчи қилиш орзуси билан елиб-югурди. Мана, энди Миржалол нафақат ота-онаси, қариндошлари, балки мамлакат фахрига айланди. Бугунги кунда ўзи ҳам, ота-онаси ҳам ўша меҳнатлар роҳатини кўришмоқда.

Дунёга довруғ таратган шоҳмотчимиз Рустам Қосимжонов ҳам оддий оила фарзанди. Отаси бевақт ҳаётдан кўз ёмган эди. Онаси Меҳринисо опа уни етаклаб шоҳмот тўгарагига олиб бормаганида, қўллаб-қувватламаганида, юриш-туришини назорат қилмаганида табиийки, Рустамнинг оламшумул ғалабаларини кўрмасдик.

Бундай мисолларни кўплаб келтириш мумкин. Бола соғлиги, тарбияси, тақдирида спортнинг ўрни қандайлиги ва ота-онанинг масъулияти ҳақида ҳар кимнинг ўзи ўйлаб, ҳисоб-китоб қилиб, хулоса чиқарса, кўпдан кўп оғриқли саволларга, нохуш воқеаларга ўрин қолмасди, албатта.

Болалар спортига бунчалик эътибор замирида яна бир буюк мақсад ётибди — «Фарзандларимиз биздан кўра билимли, кучли, доно ва албатта бахтли бўлишлари шарт!»

Бу Президентимизнинг орзуси, халқимизнинг орзуси!

Сафар ОСТОНОВ

ФРАКЦИЯ ЙИҒИЛИШИ

Кеча Олий Мажлис Қонунчилик палатасидаги Ўзбекистон ХДП фракциясининг йиғилиши бўлиб ўтди.

Унда Президентимиз Ислом Каримовнинг «Туркистон-пресс» нодавлат ахборот агентлиги мухбирига берган «Ўзбек халқининг ислом маданияти ривожига қўшган беқиёс ҳиссасининг юксак эътирофи» номли интервьюси мазмун-моҳиятини чуқурроқ тушуниб олиш, тарғиб қилиш ишларини олиб боришга эътибор қаратилди. Бу ҳақда Қонунчилик ва суд-ҳуқуқ масалалари қўмитаси аъзоси Абдуманноб Раҳимовнинг маърузаси тингланди.

Шундан сўнг, иккинчи ўқишда киритилаётган «Ҳомийлик тўғрисида»ги қонун лойиҳаси муҳокама этилди. Ушбу масала юзасидан Демократик институтлар, нодавлат ташкилотлар ва фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари қўмитаси аъзоси Ҳамидулла Назаров маъруза қилди.

Маълумки, мазкур қонун лойиҳаси Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Ҳомийлар ва шифокорлар йили» дастури тўғрисида»ги Қарорига мувофиқ ишлаб чиқилган, Олий Мажлис Қонунчилик палатасида биринчи ўқишда маъқулланган. Қонун ҳомийлик фаолиятини тартибга солишнинг ҳуқуқий асосларини белгилашга йўналтирилган. Давлат ҳокимияти ва бошқарув органлари томонидан ҳомийлик фаолиятини қўллаб-қувватлашнинг шаклларини, ҳомийлик ташкилотларини ташкил этиш ва улар фаолиятининг хусусиятларини белгилайди.

Ушбу қонуннинг қабул қилиниши ҳомийлик фаолиятини ривожлантириш учун зарур ташкилий-ҳуқуқий, иқтисодий ва молиявий механизмларни яратади.

Фракция аъзолари лойиҳа юзасидан маърузачига саволлар билан мурожаат этдилар.

Савол: — Қонун лойиҳасида ҳомийлик ташкилотларининг номида «Ҳомийлик» сўзи акс этиши лозимлиги белгиланган. Бугунги кунда республикамизда кўплаб хайрия жамғармалари фаолият кўрсатаяпти. Улар ҳам ҳомийлик фаолияти билан шуғулланади. Аммо, номида ҳомийлик сўзи йўқ.Қонун қабул қилингандан сўнг амалиётда муаммолар туғилмайдими?

Жавоб: — Биз ўрганиб чиқдик, мамлакатимиздаги бирорта ҳам ташкилотнинг номида ҳомийлик сўзи учрамайди. Аслида, ҳомийлик ва хайрия фаолияти ўртасида фарқ бор. Мазкур хайрия жамғармалари, ташкилотлари ўз йўналиши бўйича фаолиятини давом эттираверади. Лойиҳада акс этган бу норма асосий йўналиши ҳомийлик қилган ташкилотлар учун хосдир. Иккинчидан, бу ҳомийлик ташкилотнинг бошқа нодавлат ташкилотларидан фарқини кўрсатиб туради.

Савол: — Қонунчилигимизда биринчи бор кўнгиллилар тушунчаси мазкур лойиҳада акс этаяпти. Аслида ҳомийлик тушунчасининг ичида кўнгиллилар деган мазмун ҳам бор-ку? Шунинг ўзи кифоя эмасми?

Жавоб: — Ҳомийлик билан кўнгиллиларнинг фарқи бор. Ҳомий ўз маблағини маълум аниқ мақсадга, эзгу ишларга сарфлайди. Кўнгиллилар эса маблағ сарфламасдан ўз меҳнати билан ҳомийлик ташкилоти фаолиятида иштирок этиши мумкин.

Шунингдек, фракция аъзолари Қонунчилик палатаси муҳокамасига биринчи ўқишда киритилиши мўлжалланаётган «Давлат божи тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг 4-моддасига қўшимчалар киритиш тўғрисида»ги қонун лойиҳасини кўриб чиқдилар. Ушбу масала бўйича Бюджет ва иқтисодий ислоҳотлар қўмитаси аъзоси Нўъмонжон Аҳмаджонов сўзга чиқди. Қонун лойиҳаси «Нодавлат нотижорат ташкилотлари фаолиятининг кафолатлари тўғрисида»ги Қонун ижросини таъминлаш мақсадида ишлаб чиқилган. Мазкур қонунга мувофиқ, нодавлат нотижорат ташкилотлари ўз ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини бузадиган давлат органларининг ғайриқонуний қарорлари, мансабдор шахсларнинг ғайриқонуний ҳаракатлари (ҳаракатсизлиги) устидан судга шикоят қилганда давлат божи тўлашдан озод этилган. Кўриб чиқилаётган қонун лойиҳаси ҳам айнан мана шу нормани «Давлат божи тўғрисида»ги қонунга киритишни назарда тутади.

Фракция йиғилишида шунингдек, «Ўзбекистон Республикасининг Жиноят ҳамда Жиноят-процессуал кодексларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида»ги қонун лойиҳаси, «Амалга оширилиши учун лицензиялар талаб қилинадиган фаолият турларининг рўйхати тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қарорига ўзгартиш ва қўшимча киритиш ҳақидаги масалалар ҳам кўриб чиқилди.

Муҳокама этилган барча масалалар юзасидан фракциянинг нуқтаи назари ишлаб чиқилди.

Беҳзод ШУКУРОВ

❖ Ўзхдп ҳаёти

ФАОЛЛАР ПАРТИЯНИНГ БУГУНИ ВА ЭРТАСИ ҲАҚИДА

Юртимизда бугун сиёсий партиялар нуфузи, шу билан биргаликда, халқимизнинг сиёсий етуклиги ва ижтимоий фаоллиги тобора ортиб бораётганлиги кузатилмоқда. Айниқса, мамлакатимиз Президенти томонидан Олий Мажлис Қонунчилик палатасига «Давлат бошқарувини янгилаш ва янада демократлаштириш ҳамда мамлакатни модернизация қилишда сиёсий партияларнинг ролини кучайтириш тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Конституциявий қонуни лойиҳасининг киритилиши фикримизнинг тасдиғидир. Юртбошимизнинг мазкур қонунчилик ташаббуси Ўзбекистон Халқ демократик партияси ташкилотларидан ҳам катта масъулият билан ишлашни талаб этаяпти. Хўш, партия ташкилотларимиз олдидаги масъулиятли вазифалар нималардан иборат? Улар партия аъзолари, электорат, умуман, аҳоли билан ишлашда қайси жиҳатларга кўпроқ эътибор қаратиши лозим? Айнан шу хусусда Фарғона вилоятидаги айрим партия фаолларимизнинг фикрлари билан қизиқдик.

Илҳомжон КАРИМОВ, ХДП Учкўприк туман кенгаши раиси:

— Одамлар орасида ишлаш — байрамларда тадбирлар ўтказиш, совғалар тарқатиш, енгил-елпи йўллар билан кўнгил овлаш дегани эмас. Партиямиз аъзолари, унинг тарафдорлари билан доимий алоқада бўлиши, уларнинг фикрини олиши, мамлакат тараққиётига хизмат қиладиган ғоялар ва таклиф-истакларни жамлаши ҳамда уларни партия ташкилотларида муҳокама этиши, энг мақбулларини маҳаллий Кенгашлардаги депутатлик гуруҳлари ва Олий Мажлис Қонунчилик палатасидаги фракциямиз орқали ҳукумат идоралари эътиборига етказиши асосий вазифаларимиздан деб ҳисоблайман.

Муҳаммаджон МАТКАРИМОВ, Тошлоқ махсус йўл қурилиш корхонаси ходими:

— Партиямиз кейинги йилларда электорат манфаати йўлида бир қатор ишлар, самарали тадбирларни амалга оширмоқда. Аммо, бу етарлими? Ҳар бир партия аъзоси Устав талаблари даражасида фаолият кўрсатаяптими? Мен бошланғич партия ташкилотимизнинг кўплаб йиғилишларида қатнашаман. Афсуски, баъзан улар номигагина ўтади. Ҳолбуки, бошланғич ташкилотнинг кучи ва ўрни муҳим аҳамиятга эга.

Муҳаммаднўъмон ЭГАМБЕРДИЕВ, ХДП Марғилон шаҳар кенгаши раиси:

— Биз халқ депутатлари шаҳар Кенгашидаги вакилларимиз орқали кўплаб масалаларни кўтариш ва ҳал этишга кўпроқ эътибор қаратишимиз, уларнинг қонуний имкониятларидан фойдаланишимиз лозим. Масалан, бир мисол келтирсам. Марғилонда автобус хизмати идораси йўқ эди. ЎзХДПдан шаҳар Кенгаши депутати Т.Маткаримов шаҳар Кенгаши сессиясида шу масалани дадил ва асосли тарзда кўтариб чиқди. Натижада шаҳарда автосарой ташкил этилди. 17 та янги автобус келтирилди. Лекин бундай салмоқли ишларимиз саноқли.

Энахон СИДДИҚОВА, Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси Фарғона вилоят бўлими масъул котиби:

— Яқинда Қўқон шаҳрида ўтган йиғилишда бир аёл ХДПнинг оддий аъзолари, уларнинг ютуқ ва камчиликлари, муаммолари бошланғич ташкилот мажлисларида муҳокама этилмаётганлиги ҳақида куюниб гапирди. Менимча, партия аъзосининг ҳаёти, ташвиш ва муаммолари эътибордан четда қолмаслиги керак.

Алишер ИБОДИНОВ,
«Ўзбекистон овози» мухбири

❖ Тадбир

МАЪНАВИЯТ ВА ДИНИЙ ҚАДРИЯТЛАР УЙҒУНЛИГИ

Наманган вилояти ҳокимининг фармойишига кўра, февраль ойи вилоятда «Маънавият ва маърифат ойлиги» деб эълон қилинганди. Айни кезда ойлик доирасида барча ўқув муассасалари, меҳнат жамоалари ва маҳаллаларда кенг қамровли тадбирлар ўтказилмоқда.

Ана шундай тадбирлардан бири Наманган шаҳар ҳокимлигининг катта мажлисхонасида бўлиб ўтди. Вилоят ҳокими Икромхон Нажмиддинов бошқарган анжуманда иштирокчилар Ўзбекистон Мусулмонлари идораси раисининг ўринбосари, Тошкент ислом университети проректори Абдулазиз Мансур билан мулоқотда бўлдилар.

Мулоқот давомида Ўзбекистондаги диний вазиятнинг барқарор эканлиги, мамлакатимизда аҳолининг эътиқод эркинлиги ҳуқуқининг тўла таъмин этилаётгани, аждодларимиздан мерос маърифий исломга ҳурмат ва эҳтиром амалиёти Таълим, фан ва маданият масалалари бўйича ислом ташкилоти АЙСЕСКО томонидан Тошкент шаҳрини ислом маданиятининг пойтахти деб эълон қилинганлиги ва Президентимизнинг «Ҳазрати Имом (Ҳастимом) жамоатчилик жамғармасини қўллаб-қувватлаш тўғрисида»ги Қарори мисолида изоҳлаб берилди.

Шунингдек, мавзу доирасида исломда бағрикенглик ва бошқа дин вакилларига муносабат, ёшлар, айниқса, вояга етмаганлар тарбиясига эътибор, уларни турли шакл ва мазмундаги ахборот хуружларидан асраш, никоҳ, оила муқаддаслиги, ноқонуний диний тарғибот ва диний экстремистик ғояларга ўрин бермаслик ва бошқа масалалар бўйича атрофлича мулоҳазалар билдирилди.

Бир сўз билан айтганда, мазкур мулоқот иштирокчиларга Президентимизнинг «Миллий ғоя тарғиботи ва маънавий-маърифий ишлар самарадорлигини ошириш тўғрисида»ги Қарорининг аҳамиятини янада чуқур англаш ва амалиётга татбиқ этиш масъуллиятини юклади.

(Ўз мухбиримиз)

Ҳусан ТЎҒИЗОВ олган сурат

ЮБИЛЕЙГА ТУҲФА

Қадим ва ҳамиша навқирон Самарқанд шаҳри ўзининг 2750 йиллик юбилейини тантанали ва кўтаринки руҳда ўтказишга қизғин ҳозирлик кўрмоқда. Тўйга тўёна сифатида яқинда Сиёб деҳқон бозори ҳудудида 120 ўринга мўлжалланган замонавий «Шодиёна» савдо маркази қуриб фойдаланишга топширилди.

Бош пудратчи «Толиб бобо АКТ» хусусий корхонаси қурувчилари томонидан қисқа фурсатда бунёд этилган мажмуа ўзгача меъморий ечимга эга бўлиб, шаҳар кўркига кўрк қўшди.

Савдо маркази атрофида барпо этилган мўъжазгина хиёбон мажмуа кўринишига ўзгача ороиш бериб, бу ерга келганларга хушкайфият бағишламоқда.

Шуҳрат ҚАРШИЕВ

Суратда: *«Шодиёна» савдо маркази атрофини қўшимча ободонлаштириш ишларидан лавҳа.*

ИЖТИМОИЙ ҲИМОЯ

«ДАРОМАД ЕТАРЛИ, КЎНГИЛ ЧОҒ»

Чуст мамлакатимиздагина эмас, халқаро миқёсда ҳам ўз ҳунармандлари билан довруғ таратган масканлардан бири. Туманда Президентимизнинг «Йирик саноат корхоналари билан касаначиликни ривожлантириш асосидаги ишлаб чиқариш ва хизматлар ўртасида кооперацияни кенгайтиришни рағбатлантириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Фармони ижроси бўйича қатор ишлар бажарилмоқда. Масалан, бу ердаги «Чуст пахта толаси» ҳиссадорлик жамияти ва «Чустсувмет» каби икки йирик корхонада тикувчилик, темирчилик, пичоқчилик ва дўппидўзлик бўйича касаначилик меҳнати турлари намунали йўлга қўйилди. Илгари ишсиз бўлган 428 нафар киши белгиланган меъёрлар асосида рўйхатга олиниб, уларга меҳнат дафтарчалари очилди. Биргина дўппидўз хотин-қизларнинг ўзи 410 нафарни ташкил этди.

Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш туман бўлими инспектори Ғуломжон Солиевнинг айтишича, республика Вазирлар Маҳкамасининг яқинда бўлиб ўтган 2006 йил якунлари ва 2007 йилнинг устувор вазифаларига бағишланган мажлисидаги Президентимиз маърузасидан сўнг тумандаги мавжуд 68 та маҳалла фуқаролар йиғининг ҳар биридан яна 20 нафардан дўппидўз касаначилар рўйхатига киритилди.

— Пичоқчилик бўйича касаначиман, — дейди **«Сероб» маҳалласи фуқароси Муҳаммаджон Абдуназиров.** — Мана, касаначиликка ўтганимдан буён «Чуст пахта толаси» корхонасидан пичоқ учун металл беришаяпти. Электр энергияси учун тўлов ташвишини қилмайман. Ишим яхши, даромад етарли, кўнглим чоғ. Янги йил байрамида корхонадан оиламизга байрам дастурхони учун совғалар беришди. Одам эътибордан, қадр-қиммати борлигидан севинади-да...

Корхона раҳбари Ботиржон Хонбоев касаначилар ҳақида гапирар экан, ЎзХДП туман кенгашидан мамнунлигини алоҳида таъкидлади.

— Шу кунларда касаначилар бўйича мутахассисимиз Раҳимжон Қурбонов Самарқанд вилоятида сафарда. У ХДП туман кенгаши депутатлари ва туман меҳнат биржаси билан маслаҳатлашиб, Самарқанд вилоят савдо-саноат палатаси билан дўппи етказиб бериш юзасидан шартнома тузишга кетган. Ниятимиз амалга ошса, дўппидўз касаначиларимиз буюртмачилар талабига қараб, кўплаб нусхаларда дўппи турлари тайёрлашга киришади...

Носиржон ДЕҲҚОНОВ,
«Ўзбекистон овози» мухбири

ҚЎМОНДОНЛИК ВАКОЛАТИНИ ТОПШИРАДИ

АҚШ ва Жанубий Корея мудофаа вазирлари ўзаро келишув битимларини имзоладилар.

Унга кўра, 2012 йил 17 апрелдан эътиборан Жанубий Кореядаги Америка — Корея бирлашган қўмондонлиги бошқаруви Жанубий Корея ихтиёрига ўтади.

«France Presse» ахборот маҳкамасининг маълум қилишича, 1950-53 йиллардаги Корея уруши пайтидан бери Жанубий Кореяда фаолиятини давом эттираётган Америка қўшини маҳаллий армияни қўллаб-қувватлаб келди.

АҚШ аслида бирлашган қўмондонлик бошқарувини 2009 йилда корейсларга топшириш мўлжаллаб турган эди. Бироқ расмий Сеул техник ва молиявий сабабларга кўра, бу муддатни 2012 йилга суришни талаб қилиб туриб олди, дейилади агентлик ахборотида.

Ҳозирги кунда 29500 нафар америкалик ҳарбий Жанубий Кореяда хизмат қилмоқда. Жанубий Корея армиясининг шахсий таркиби эса 680 минг кишидан иборат. Унга қўшни давлат Шимолий Корея эса тахминан бир миллион кишилик армияга эга.

КЕЛИШИБ ОЛДИЛАР

Болтиқбўйи давлатлари ҳамда Польша 2015 йили Литвада атом электр станцияси қуриш масаласида келишиб олдилар.

Бу борадаги якуний келишув битими келгуси йилнинг ўрталарида расмий равишда имзоланади. Аммо «Reuters» ахборот агентлиги хабар беришича, Польша бу лойиҳага ҳозирча расмий равишда қўшилгани йўқ.

Литва президенти Валдас Адамкуснинг айтишича, Болтиқбўйи давлатлари зиммасида бир неча ядро реакторини қуриш режаси турибди. Бу лойиҳа қийматининг 34 фоизи Литва ҳиссасига тўғри келади. Қолган шериклар эса 22 фоиздан улуш қўшади.

Дарвоқе, Литва АЭС қурилишига Швеция ва Чехияни ҳам жалб этмоқчи.

5-6 миллиард евро миқдорида маблағ сарфланиши кўзда тутилаётган бу лойиҳа амалга ошгач, Европа нархларида Россиядан олинадиган газ ва нефтга кетадиган харажатлар сезиларли даражада қисқаради.

НОРОЗИЛИК БИЛДИРИШДИ

«Новости» ахборот агентлигининг маълум қилишича, 700 га яқин ҳайдовчи ўзининг ўнг рулли автомобилларида Қирғизистон пойтахтининг жанубий дарвозасидан шаҳар марказигача соатига 40 километр тезликда юриб, норозилик маршини ўтказдилар.

Улар сиёсий талабларни ўртага ташламадилар, балки ўнг рулли автомобиллардан фойдаланиш тақиқланганига қарши норозилик билдирдилар.

Маълумки, Қирғизистон президенти Курманбек Бакиев мамлакат парламенти томонидан ўзгартиш киритилган «Йўл ҳаракати тўғрисида»ги қонунни ўтган ҳафта охирларида имзолади. Ушбу қонунга кўра, 2010 йил 11 февралдан мамлакатда ўнг рулли машиналар қатнови тақиқланади.

Давлат автоинспекцияси маълумотларига кўра, кейинги уч йилда республикада ўнг рулли автомобиллар сони сезиларли даражада кўпайди. Айниқса, ўтган йили Қозоғистонда ўнг рулли машиналардан фойдаланиш тақиқланганидан сўнг бундай транспортнинг республикага «оқиб» келиши янада ортди.

Ҳозир Қирғизистон бозорида Японияниг ўнг рулли машиналари баҳоси чап рулли машиналарга нисбатан 1,5-2 минг долларга арзон.

МУЗОКАРА ОЛДИДАН УЧРАШУВ

Маълумки, шу ойнинг ўрталарида Пекинда Шимолий Кореянинг ядро муаммоси бўйича олти томонлама музокаралар бўлиб ўтган ва унда махсус ишчи гуруҳлари тузилган эди.

Ишчи гуруҳларининг дастлабки учрашувлари шу ҳафтадан бошланади. Жумладан, Шимолий Корея делегацияси етакчиси Нью-Йоркка ташриф буюради ва АҚШ делегацияси раҳбари билан учрашиб, шу йил 19 март куни Пекинда бошланадиган олти томонлама музокаларнинг навбатдаги босқичида кўриладиган масалалар бўйича фикрлашади. Япония делегацияси билан ҳам учрашув ўтказиш март ойининг бошларига режалаштирилди. Фақат учрашув жойи ҳозирча аниқ эмас. Бошқа ишчи гуруҳлари (Жанубий Корея, Россия, Хитой) билан ҳам учрашувлар бўлиб ўтади, дея хабар беради Жанубий Кореянинг «Ренхап» ахборот агентлиги.

РЕЖА ИШЛАБ ЧИҚИЛДИ

Япония ҳукумати мамлакатда биоорганик ёнилғи, хусусан, шакарқамиш ва маккажўхоридан олинадиган органик ёнилғи ишлаб чиқаришни кўпайтириш режасини ишлаб чиқди.

Унга кўра, 2030 йилга бориб, йилига 6 миллион килолитр, яъни бензинга бўлган умумий эҳтиёжнинг 10 фоизи миқдорида ёнилғи ишлаб чиқариш йўлга қўйилиши лозим.

ИТАР-ТАСС маълумот беришича, биоёнилғидан фойдаланиш Япония ҳукуматининг энергетика соҳасидаги янги стратегиясидир. У Киото шартномасига мувофиқ равишда атмосферага «парник газ»лари чиқишини камайтириш мажбуриятини ҳам ўзида акс эттиради.

Хабарларга қараганда, Япония биоёнилғи ишлаб чиқариш борасида Бразилия (йилига 16,7 миллион килолитр ишлаб чиқаради) ва АҚШдан (йилига 15 миллион килолитр) ортда қолмоқда. Ҳозирги кунда Япония атиги 30 килолитр биоэтанол ишлаб чиқармоқда холос.

Биоэтаналнинг атмосферага зарари нефть маҳсулотларига қараганда жуда кам. Мутахассисларнинг ҳисоб-китобларида қайд этилишича, таркибида биоэтанол аралашмаси бўлган биоёнилғидан фойдаланиш карбонат ангидрид газининг атмосферага чиқишини бир йилда 600 минг тоннага камайтираркан.

Японияда бензин сарфи бир йилда 60 миллион килолитрни ташкил этади. Бензин сарфи бўйича Япония АҚШдан сўнг иккинчи ўринда туради.

«AIRBUS»НИ САҚЛАБ ҚОЛИШ УЧУН

Германия ва Франция маъмуриятлари фуқаро самолётлари ишлаб чиқарувчи Европадаги энг йирик корхона — «Airbus»ни инқироздан сақлаб қолиш учун ягона тўхтамга келди.

Германия канцлери Ангела Меркел Франция президенти Жак Ширак билан ўтказилган музокаралардан сўнг бу ҳақда жамоатчиликка маълум қилди, дейилади «MarketWatch» ахборотида.

Келишувга кўра, «Airbus» 9 март куни харажатларни қисқартириш бўйича «Power8» режаси доирасида 10-12 минг ишчи-ходим ишдан бўшатилишини эълон қилади.

Маълумки, «Airbus» компанияси заводлари Буюк Британияда, Испания, Франция ва Германияда жойлашган. Фақат энг кўп ишчи ўрнини қисқартириш қайси завод гарданига тушиши ҳозирча номаълум.

Шу ой ўрталарида «Airbus» акциядорлари «А350» самолётини қаерда ишлаб чиқариш ва 2010 йилгача 5 миллиард еврони иқтисод қилиш учун ишчи ўринларини қисқартириш масаласида бир қарорга келиша олмаган эдилар. «Airbus»даги молиявий етишмовчиликлар «А380» русумли янги авиалайнерни буюртмачиларга етказиб бериш масаласини ортга суришга сабаб бўлди. Бу эса жаҳон бозоридаги рақобатга акс таъсир қилади.

ФИЛЬМ ОЛИШ ТАҚИҚЛАНДИ

Хитой маъмурияти миллий қўриқхона ва тарихий архитектура ансамблари жойлашган ҳудудларда бадиий фильмлар суратга олинишини ва шунингдек, кўнгилочар тадбирлар уюштирилишини тақиқлади.

Бундай тақиқлов жорий этилишига ўтган йилги жанжал сабаб бўлди.

Гап шундаки, таниқли кинорежиссёр Чэн Кайгэ Юннан музофотидаги Бигу Тянчи қўлида «Ваъда» фильмини суратга олаётиб, табиий ландшафтга катта зиён етказган. Ушанда суратга олиш бригадасига 90 минг юан (11,2 минг доллар) миқдорида жарима солинганди. Бундан ташқари, маҳаллий ҳокимият вакилларига ҳам фильмни суратга олишга рухсат бергани учун ҳайфсан эълон қилинган, дейилади ИТАР-ТАСС ахборотида.

ХОРИЖЛИКЛАР ЭЪТИРОФИ

Германиянинг қадимий мозийгоҳларидан бири — Лейпциг этнография музейида бухоролик халқ амалий санъати усталарининг энг сара асарларидан иборат доимий экспозицияси очилди. Ундан гиждувонлик кулол, Ўзбекистон халқ устаси Алишер Нарзуллаевнинг укаси Абдулла билан биргаликда тайёрлаган сержило шокоса ва лаганлари, Бахшулла Жумаев, Робия Юсупова сингари зардўзлар тиккан дўппи, тўн ва пойабзаллар, шофирконлик каштадўз Зухро Облобердиеванинг шоҳи сўзаналари, наққош Салим Ҳусенов ишлаган совғабоп буюмлар, атлас тўқувчи Бахшанда Файзиеванинг камалакранг матолардан иборат 20 турдаги ноёб асарлари ўрин олди.

— Бу янги кўргазма, — дейди «Ҳунарманд» уюшмаси вилоят бўлими раиси Ориф Қодиров, — ўзбек ва немис халқлари ўртасидаги маданий ҳамкорлик алоқаларининг янада мустаҳкамлашига хизмат қиляпти. Жаҳон халқлари тарихи, турмуш тарзини тарғиб қилаётган бу музейда буюмларимизнинг бўлиши немис халқининг бухоролик ҳунармандлар меҳнатига бўлган эътибор ва эътирофларидан бир нишонадир.

Даврон БАҲРОНОВ

❖ Банк ва мижоз

МАБЛАҒ КЎПАЙМОҚДА, МИЖОЗЛАР ҲАМ

ЁКИ АТ «ТУРОН» БАНКИ БУХОРО ВИЛОЯТИ ФИЛИАЛИ ЖАМОАСИНИНГ ИШ ТАЖРИБАЛАРИ ХУСУСИДА

Бундан бир неча йил аввал Вобкентда «Вобкенттекс» корхонаси қурилиб фойдаланишга топширилди-ю қишлоқ одамлари яйраб қолди: қанча-қанча ёшлар иш билан таъминланди, хизмат кўрсатиш шохобчалари кенгайди, ҳудуд кўркига кўрк қўшилди. Корхона тобора ривожланиб, сифатли маҳсулотлар тайёрлаш ҳажми ортди.

Ўтган йили «Вобкенттекс» масъулияти чекланган жамият жамоаси ишлаб чиқаришни кенгайтиришга қарор қилди. Бунинг учун ип-калава ва тикувчилик асбоб-ускуналари сотиб олишга 300 миллион сўм маблағ зарур бўлди. Акциядорлик тижорат «Турон» банки Бухоро вилоят филиалига мурожаат қилинди. Банкдагилар мижозга уни қисқа муддатдаёқ ўтказиб беришди.

Шундан сўнг бу ерда ишлар яна ҳам юришиб кетди. Ажратилган кредитдан унумли фойдаланиш маҳсулот ишлаб чиқариш ҳажмини оширди. Истеъмолчиларга 2 миллиард 284 миллион сўмликдан кўпроқ маҳсулот етказиб берилди. 70 нафар фуқаро иш билан таъминланди. Кредит фоизлари вақтида қайтарила бошланди.

«Сухроб Бухорий» масъулияти чекланган жамияти мебель ишлаб чиқаришга ихтисослашган. 2006 йилда «Турон» банк филиалидан 40 миллион сўм имтиёзли кредит олди. Эвазига замонавий техника воситалари ва кўплаб хомашё харид қилинди. Пировардида, ўтган йилиёқ 236,6 миллион сўмлик маҳсулот ишлаб чиқарилиб, 13,6 миллион сўм соф даромад кўрилди.

«Сино компани» масъулияти чекланган жамият мева-сабзавотларни қуритиш ва қадоқлаш билан шуғулланади. Мазкур корхона ҳозир вилоятда етиштирилган мева ва сабзавотларни қайта ишлаб, нафақат ҳудуд аҳолисига, хориж мамлакатларига ҳам экспорт қилмоқда. Ўтган йили «Турон» банкининг вилоят филиалига мурожаат қилиб, мева ва сабзавотларни қуритиш ҳамда уларни қадоқлаш учун ускуналар харид қилишга кредит сўради. Банкдагилар ҳам корхонага дарҳол 118 миллион сўмлик кредит ажратишди. Айни пайтда бу ерда ҳам ишлар чакки эмас.

«Агата» хусусий корхонаси ҳам банк фаолиятидан мамнун. Савдо-сотиқни ривожлантириш учун 100 млн. сўм кредит олган корхонада бугун нақд пул тушуми ҳар қачонгидан кўпайди. Маҳсулот ишлаб чиқариш ҳажми 1,8 фоизга ошди. 250 та янги иш ўринлари яратилди.

Банк филиали фаолиятининг ибратли жиҳатлари ҳақида ҳикоя қилувчи бундай мисоллар талайгина. Биргина 2006 йил давомида ишлаб чиқариш соҳасини ривожлантириш ва янги иш ўринлари яратиш мақсадида давлат корхоналарига 457 млн. сўм, кичик бизнес билан шуғулланувчи тадбиркорлик субъектларига 901,5 млн. сўмлик кредитлар берилди. Филиал ўз иш фаолиятини бошлаган (1991 йил, ноябрь) пайтларда мижозлар сони бор-йўғи 60 нафарни ташкил этарди. Ҳозир эса, (2007 йилнинг 1 январь ҳолатига) улар сони 1130 нафарга етди. Шундан бюджет корхоналари 13 тага, давлат корхоналари — 28, кичик бизнес субъектлари — 517, деҳқон ва фермер хўжаликлари 120 тага етди.

Банкнинг асосий мижозлари қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлигига қарашли корхона ва ташкилотлар бўлиб, 2006 йилда вазирликка қарашли корхоналарга 250 млн. сўмлик факторинг операциялари, 457 млн. сўмлик мақсадли схемалар ўтказилди, натижада корхоналар ўртасидаги дебиторлик ва кредиторлик қарзлари бирмунча камайтирилишига эришилди.

Капитал қўйилмалар ва бюджетдан молиялаштириш бўйича ҳам муайян ишлар бажарилди. Масалан, 6-қурилаётган корхоналар бирлашган дирекцияси, вилоят гидрогеологик мелиоратив экспедицияси, Аму-Бухоро машина канали бошқармаси, вилоят насос стациялари ва электр алоқа бошқармалари жамоалари банк хизматидан мамнун. Жорий йилда бажарилиши режалаштирилган капитал қурилиш ҳамда фойдаланилаётган иншоотларда жорий ва капитал таъмирлаш ишларини амалга оширувчи пудрат ташкилотларига намунали хизмат кўрсатилмоқда. Суғориладиган майдонларни қайта таъмирлаш, ерларнинг мелиоратив ҳолатини яхшилаш, канал ва коллекторларни асл ҳолига келтириш, яйловларда тик қудуқлар қазиш ва бошқа қатор бунёдкорлик ишлари инвестиция дастуридаги лойиҳалар ҳисобланади. Банк бу лойиҳалар учун мунтазам маблағ ажратиб келмоқда. Шунингдек, Аму-Бухоро машина канали қурилиши акциядорлик жамиятига қарашли Когон туманидаги 1-кўчма механизациялашган колонна (КМК), Шофиркон туманидаги 2-КМК, Жондор туманидаги 4-КМК, Ғиждувондаги 5-КМК ва бошқа корхоналар ҳам банк филиали хизматидан баҳраманд.

Филиалда 2 та валюта алмаштириш шохобчаси бўлиб, улар барча валюта амалиётлари бўйича резидент ва норезидентларга эга. Мавжуд халқаро миқёсдаги иккита пул жўнатиш ва қабул қилиш тизими чет давлатлардан фуқаролар пулларини олиш ва хорижга пул жўнатиш борасида сифатли хизмат турлари кўрсатяпти. Айниқса, «Вестерн Юнион» ва «Тезкор почта» хизмати бунга ёрқин мисол.

Жамоада банк хизмати кўламини ошириш, аҳолининг бўш пул маблағларини (улар учун қулай бўлган омонат турларига) жалб этиш ишлари ибратга молик. Бу борада тарғибот-ташвиқот ишлари ҳам кўнгилдагидек бораяпти. Бугунча бир неча юз миллион сўмлик бўш пул маблағлари банк хазинасига кирим қилинди. Хусусан, «Орзу», «Бинафша», «Наврўз», «Имконият», «Кафолат» сингари омонат турларига жалб этилган маблағ миқдори салмоқли. Ўтган йилнинг 25 июнидан янги «Омад қувончи» ютуқли омонат тури жорий этилгани ҳам самара бермоқда.

Ҳозир банкнинг 7 та жамғарма кассаси мавжуд. Улар банк биносида, «Сомоний», «Карвон», «Дилкушо» бозорларида, шаҳар Давлат солиқ инспекцияси биносида, ИИБ идораси ва «Асал — туризм» хусусий фирмаси қошида жойлашган. Кассалардан банк кассасига кирим қилинаётган маблағ ўртача 75-80 млн. сўм нақд пулни ташкил этаяпти.

Замонавий хизмат тури — пластик карточкалар асосида нақд пулсиз ҳисоб-китоб тизимини ривожлантириш алоҳида эътиборда. Улардан чакана савдо, коммунал тўловлар ва бошқа турдаги хизматлар тўловида фойдаланилмоқда. Пул маблағларининг банкдан ташқари айланишини қисқартириш мақсадида, вилоят «Турон» банкида бугунги кунда қарийб 3 минг дона пластик карточка бор. Улардан фойдаланиш учун жойларда 17 та терминал хизмат кўрсатаётир. Пластик карточкаларнинг қолдиқ маблағларига йиллик 18 фоиз устама тўланаяпти. Биргина ўтган йили ташкил этилган янги омонат турларига 735 миллион сўм маблағ йўналтирилди.

Корпоратив мижозларни банкка жалб қилиш ва улар учун хизмат турларини кенгайтириш борасидаги янгиликлар ҳам диққатга сазовор. Миллий валютани конвертация қилиш, экспорт-импорт шартномаларини рўйхатга олиш ва турли хил валюта жараёнларини қўллаш, консалтинг хизматларини яхшилаш тадбирлари жадал тус олмоқда. Аҳоли гавжум жойлар ва бозорларда мижозларга сифатли хизмат кўрсатиш мақсадида қўшимча минибанклар, жимғарма кассалари очиш чора-тадбирлари кўрилаяпти.

Кичик бизнес субъектлари ривожи учун қисқа ва ўрта муддатли кредитлар миқдори кўпайтирилмоқда.

Мухтасар айтганда, «Турон» АТ банкининг Бухоро филиали жамоаси бугунги кунда республикамизнинг илғор молия муассасаларидан бирига айланиб бормоқда. Хизматидан мижозлар ҳам мамнун.

Шоҳайдар МИРҲАБИБОВ,
Мирбахтиёр МИРФАЙЗИЕВ,
«Ўзбекистон овози» мухбирлари

Ташкилот ва корхоналар раҳбарлари диққатига!

Сурхондарё вилояти ҳокимлиги «Ягона буюртмачи хизмати» инжиниринг компанияси

ТАНЛОВ САВДОЛАРИ ЎТКАЗИЛИШИНИ ЭЪЛОН ҚИЛАДИ:

Термиз тумани, «Паттакесар» маҳалласидаги II тип 50 қатновга мўлжалланган қишлоқ врачлик пунктини фойдаланишга тайёр ҳолда қуриш.

Иншоотнинг бошланғич нархи — 77365,1 минг сўм.

Қурилиш муддати — 120 кун.

Иншоотнинг қурилиш ишларини молиялаштириш — Сурхондарё вилояти ҳокимлигининг «Ягона буюртмачи хизмати» инжиниринг компаниясига ажратилган Давлат бюджети маблағлари ҳисобидан амалга оширилади.

Буюртмачи: Сурхондарё вилояти ҳокимлиги «Ягона буюртмачи хизмати» инжиниринг компанияси

Манзили: Термиз шаҳри, А.Бакуменко кўчаси, 5-уй,
Тел/факс: 222-49-71, 222-49-80, 222-49-85.

Танлов савдоларида қатнашиш учун талабгорлар қуйидаги шартларга: танлов савдолари предметининг 20 фоизи миқдоридаги айланма маблағларнинг ёки кўрсатиб ўтилган маблағларни беришга банк кафолатномасига, ишлар (хизматлар)ни бажариш учун зарур бўлган меҳнат ресурсларига ва мутахассисларнинг мавжудлигига, етарли касбий ва техникавий малака, молиявий имкониятларга, шартнома тузиш юзасидан фуқаролик — муомала ҳуқуқий лаёқат ва ваколатларга эга, тажрибали ва ишончли бўлишлари шарт.

Савдода қатнашиш ва танлов ҳужжатларига эга бўлиш учун сўровнома билан савдо ташкилотчиси — «Ўздавархитектқурилиш» қўмитасининг қурилишда танлов савдолари ва нархларни шакллантириш Сурхондарё вилояти ҳудудий консалтинг марказига қуйидаги манзил бўйича мурожаат этиш мумкин:

Термиз шаҳри, А.Темур кўчаси, 69-уй, Телефон/Факс: (8-37622) 2-44-73, 2-44-76.

Бир тўплам танлов ҳужжатларининг нархи — 50 000 сўм.

Таклифлар (оферталар) савдо ташкилотчиси томонидан юқоридаги манзилда қабул қилинади.

Оферталарни очиш куни ва вақтигача савдо ташкилотчиси томонидан оферталар қабул қилинади.

Таклифлар очилиши эълон матбуотда чоп этилгандан бошлаб 30 кундан кейин қуйидаги манзилда ўтказилади: Термиз шаҳри, А.Бакуменко кўчаси, 5-уй.

❖ Наврўз қўшиқлари

ҲАЛИНЧАКДА КЕЛИНЧАК

УДУМИ БИЛАН БОҒЛИҚ БИТИКЛАР

Йилбоши байрамининг ўзига хос анъаналаридан бири ҳалинчак учиш удумидир. Бу одат халқимизнинг энг қадимий қадриятларидан бири бўлиб, унинг келиб чиқиши ҳам бевосита Наврўз байрамининг шаклланиши билан боғлиқдир. Зеро, улуғ мутафаккир Абу Райҳон Беруний нинг «Қадимги халқлардан қолган ёдгорликлар» асарида келтирилган қуйидаги



афсона ҳам шу фикрни тасдиқлайди: *«Жамшид ўзига арава ясаттириб олгач, ўша куни аравага чиқди. Жинлар ва шайтонлар уни ҳавога кўтариб, бир кунда Дунбованддан Бобилга олиб бордилар. Одамлар бу ажойиб воқеани кўргач, ўша кунни ҳайит қилдилар ва Жамшиднинг аравада учишига тақлид қилиб, арғимчоқларда учдилар».*

Демак, ҳалинчак учиш удуми қиш фасли ўз ниҳоясига етиб, фарахбахш кўклам бошланадиган ажиб фаслнинг ғаройиб анъаналаридан бири сифатида юзага келган. Унинг келиб чиқиши Наврўз билан боғлиқлиги эса, мазкур ўйин ғоятда қадимийлигидан далолат беради.

Ҳалинчак учиш ўйини халқимиз томонидан асрлар мобайнида авайлаб-асраб келинган азалий қадрият эканлигини XI асрда яшаб ижод қилган Маҳмуд Кошғарийнинг «Девону луғотит турк» асарида келтирилган бир маълумот ҳам тасдиқлайди. У ўша даврда аждодларимиз орасида урф бўлган **«йалнгу»** номли ўйинни тавсифлаб, қуйидагиларни ёзган эди: *«бу жориялар ўйнайдиган бир хил ўйин номи. Шундайки, арқоннинг икки учи бир дарахтга ёки устунга боғланади, сўнг уларнинг бири арқон ўртасига ўтиради — оёқларини баъзан юқори, баъзан қуйи тушириб учади».*

Анъанага кўра, байрам кунлари қиз-жувонлар тўпланишиб, боғ сайрига чиққанлар. Азим ўрик шохларига арқон ташлаб, арғимчоқ — ҳалинчаклар ясалади, ҳамма навбати билан арғимчоқ учади. Бухоро вилоятининг Қоракўл туманидаги Тангачар қишлоғида яшовчи Яхшигул момо Мулла Ниёзберди қизининг айтишича, кимки Наврўзда арғимчоқ учса, йил бўйи билиб-билмай қилган гуноҳлари «тўкилармиш». Шу боис кекса момолар ҳам »Арғимчоқ учсак, савоб бўлади! Оғирлигимиз ерга тўкилади, қушдек енгил бўламиз!» — дейишиб, ҳазил-ҳузул билан арғимчоқ учишган. Набиралари эса *«момомизнинг ёшига етайлик»* деган эзгу ниятда арғимчоқнинг ипидан тутиб, ҳаракатлантирадилар. Турмушга чиқмаган қизлар, фарзанд кутаётган келинчаклар арғимчоқни баландлатиб, ҳаволатиб учишга ҳаракат қиладилар. Улар ҳар гал шўх кулги билан ўрикнинг энг баланд шохидаги оппоқ гуллар орасидан эндигина бўртиб чиққан япроқни узиб олишга интиладилар. Фольклоршунос олим О.Сафаровнинг аниқлашича, гўё арғимчоқ учаётган келинчак дарахт учидан япроқ узиб ололса, жамики ўйлаган ниятларига етаркан.

Арғимчоқ учиш удуми Наврўзимизнинг ўзи каби ўта қадимий анъаналар сирасига киради. Минг йиллар давомида кўклам байрамининг кўрки бўлиб келган бу удум бизнинг кунларимизда янгича чирой, кўрк касб этмоқда. Наврўз байрами билан боғлиқ қадимий удумлар тикланаётган ушбу саодатли даврда халқимизнинг арғимчоқ учиш анъанаси билан боғлиқ хилмахил қўшиқлари ҳам баралла янграши табиийдир.

ҲАЛИНЧАК

Ҳалинчак, ҳо, ҳалинчак,
Ҳалинчакда келинчак,
Салтлигини соғинган-о,
Келинчаклар куйинчак.

Ҳалинчак, ҳо, ҳалинчак,
Учавергин келинчак.
Кўзга сурма ярашар,
Қўш чаккага қўш чечак,
Ҳалинчак, ҳо, ҳалинчак,
Ҳалинчакда келинчак.

Келинчак, ҳо, келинчак,
Уйқинг бузсин «инга»лар,
Эртаму кеч беланчак,
Олиб келсин янгалар,
Ҳалинчак, ҳо, ҳалинчак,
Ҳалинчакда келинчак.

(Давоми бор)

Маматқул ЖЎРАЕВ,
филология фанлари доктори, профессор

(Боши газетамизнинг ўтган сонларида)

ТАРКИБДА ЎЗГАРИШЛАР БЎЛАДИМИ?

Beijing 2008

Эртага футбол бўйича Ўзбекистон Олимпия терма жамоаси Бирлашган Араб Амирликлари вакилларига қарши майдонга чиқади

2008 йили Пекинда бўладиган XXIX ёзги Олимпия ўйинлари саралаш учрашувларининг иккинчи босқичига йўлланма олган мамлакатимиз футболчилари қуръага кўра, Осиё минтақаси «F» гуруҳида баҳсларни давом эттиришади. Ушбу гуруҳдан ҳамюртларимиздан ташқари Жанубий Корея, Бирлашган Араб Амирликлари ҳамда Яман Олимпия терма жамоалари жой олган. Ҳал қилувчи учинчи босқич саралаш баҳсларига гуруҳнинг икки пешқадами йўлланма олади.

Уй-сафар тизимида ўтказиладиган иккинчи босқичнинг илк учрашувлари эртага бўлиб ўтади.

Ёдингизда бўлса, 7-14 февраль кунлари Тожикистон Олимпия терма жамоаси билан уюштирилган учрашувларда иқтидорли футболчимиз Виталий Денисов икки бор ҳакам томонидан огоҳлантирилган эди. Шу боис, у эртанги ўйинда майдонга туша олмайди.

— Виталий терма жамоа таркибида ўз ўрнига эга, — дейди бош мураббий Вадим Абрамов. — Аммо начора, БАА футболчиларига қарши ўйинда унинг хизматидан фойдалана олмаймиз. Унинг ўрнида бошқа ўйинчиларни синаб кўрамиз. Чап қанот ярим ҳимоя чизиғида тўп суриш учун номзодлар етарлича топилади. Жумладан, Денисовнинг ўрнида Музаффар Умрзоқов («Трактор») ёки Шавкат Саломов («Бухоро»)ни майдонга тушириш мумкин.

Дастлабки босқич якунланганидан сўнг, Ўзбекистон Олимпия терма жамоаси аъзолари 19 февралдан навбатдаги ўқув-йиғин машғулотларига киришганди. Унда эса 24 нафар футболчи иштирок этмоқда. Жумладан, Акмал Бозоров («Самарқанд - Динамо»), Рустам Аъзамов, Александр Ковалёв («Насаф»)лар илк маротаба олимпиячилар таркибига жалб қилинган бўлса, Нодир Кўзибоев («Нефтчи») қисқа танаффусдан сўнг яна мураббийлар кўригидан ўтаётир. Миржалол Қосимов, Игор Шквиринлар билан ҳамкорликда ишлаётган бош мураббий Вадим Абрамов эса эртага майдонга тушиши лозим бўлган 18 нафар футболчи номини учрашув кунида эълон қилишини билдирмоқда.

Ўзбекистон — БАА Олимпия терма жамоалари учрашуви эртага соат 16.00 да «Пахтакор» Марказий стадионида бошланади.

Эркин ХОЛБОБО

«ЧЕЛСИ» — КУБОК СОҲИБИ

Лондоннинг «Челси» футбол клуби Англия лигаси кубоги учун курашнинг финалида «Арсенал» жамоасини 2:1 ҳисобида енгиб бош совринни қўлга киритди. «Челси» футболчилари кучли таркибда майдонга тушган эдилар. «Арсенал» клубида эса аксинча дарвозабон Йенс Леманн, жамоа сардори Тьерри Анри, ярим ҳимоячилар Фредрик Юнгберг билан Жилберто Силва баъзи сабабларга кўра ўйнамади.

РИНГГА ҚАЙТМОҚЧИ ЭМАС

Ўта оғир вазндаги боксчи, мутлақ жаҳон чемпиони Леннокс Льюис оммавий ахборот воситаларида гўёки у яна рингга қайтмоқчи деган сафсаталарга нуқта қўйди. «Мен турли матбуот нашрларида яна рингга қайтмоқчи эканлигим ҳақидаги хабарларни қаердан олиб ёзишаётганига ҳайрон қоламан, — дейди Льюис. — Ахир, мен 2004 йил бошида катта спорт билан хайрлашганлигимни маълум қилганман. Шу кунларда спорт шарҳловчиси ҳамда болалар тарбияси ва тадбиркорлик билан шуғулланаётганим билан ўзимни бахтли санайман. Албатта, профессионал бокс билан мағлуб ҳолда хайрлашмаганим билан фахрланаман».

Эслатамиз, 24 февралда Англия нашрларидан бирида «Льюис рингга қайтиш учун машғулотларни бошлаб юборди. У украиналик Виталий Кличко билан учрашмоқчи», деган хабарлар тарқалган эди.

Тошкент шаҳар «Uchtepa O'rikzor» МЧЖнинг Низом Фонди 876 млн. сўмдан 666 млн. сўмга қадар камайганлигини ***маълум қилади.***
Тел.: 199-46-11

ҒОЛИБЛАР АНИҚЛАНДИ

Нукусдаги Бердақ номли Қорақалпоқ давлат мусиқали театри кўргазмалар залида «Ташаббус—2007» кўрик-танловининг республика босқичи бўлиб ўтди. Унда туман ва шаҳарларда ўтказилган танлов ғолиблари иштирок этди.

Кўрик-танлов ҳакамлари: «Энг яхши ҳунарманд» йўналиши бўйича биринчи ўринни Нукус туманидан кулолчи-рассом Ибрайим Жўлимбетовга, иккинчи ўринни Амударё туманидан Абдишарип Машариповга, учинчи ўринни Тахиатош шаҳридан Гулжон Дурдиевага беришни жоиз кўришди. Шунингдек, танловнинг «Энг яхши тадбиркор», «Энг яхши фермер» йўналишлари бўйича совриндорлари аниқланиб, улар қимматбаҳо совғалар билан тақдирландилар.

Ғолиблар «Ташаббус—2007» кўрик-танловининг республика босқичига йўлланмани қўлга киритдилар.

Рейимбой ЕШИМБЕТОВ

«ТАШАББУС — 2007»

«ЭНГ БИЛИМДОН ТАЛАБА-ТАДБИРКОР»

Олмалиқ шаҳар ҳокимлиги ташаббуси билан шу номда янги номинация таъсис этилди

Ўзбекистон Республикаси Президенти соврини учун ўтказиладиган аъанавий «Ташаббус — 2007» кўрик-танлови мамлакатимизнинг барча жойларида бўлгани каби пойтахт вилоятининг қатор туман ва шаҳарларида ҳам бўлиб ўтмоқда. «Энг яхши тадбиркор», «Энг яхши ҳунарманд», «Энг яхши фермер» ва бошқа йўнлишларда ғолиблар аниқланмоқда. Эндиликда улар сирасига «Энг билимдон талаба-тадбиркор» номли янги номинация ҳам қўшилди. Бу йўналиш бугун барчада қизиқиш уйғотмоқда. Унда шаҳардаги касб-ҳунар коллежларида таҳсил олаётган ўқувчи ёшлар ўзлари ясаган маҳсулотлари, ихтиро қилган ишланмалари билан иштирок этишаётир.

Олмалиқ кон-металлургия касб-ҳунар коллежи талабаси Зиёда Рустамова, шаҳардаги уй-жой қурилиш-коммунал коллежидан Баҳодир Абдувоҳидов ҳамда тиббиёт коллежидан Оқила Ҳайдаровалар кўрик-танловда ғолибликни қўлга киритдилар ва вилоят босқичига йўлланма олдилар.

Соҳибжон САЛИМОВ

❖ Бу — қизиқ

ПАЛЬМА, МАГНОЛИЯ, АГАВА...

Субтропик мамлакатларнинг бу ўсимликлари энди ўзимизнинг Деновда ҳам бўй чўзиб, яшнаб турибди

Қовун дарахти — папая

Австралия кордолини

Ҳар бир инсонда ўзгача феъл-атвор, қизиқиш бўлади. Кимдир камёб буюмлар, танга ва қоғоз пулларни йиғишга, бошқа биров тарихий осори-атиқалар ишқибози. Деновлик Шавкат Бойматов эса ўсимликлар дунёси шайдоси. Унинг 2,5 сотихдан иборат мўъжаз иссиқхонасида минг турдан ортиқ гул ва ўсимликлар парвариш қилинмоқда (кўчатларнинг умумий сони 5 мингга яқин). Улар орасида Америкадан келтирилган пальма, япон мушмуласи, Австралия кордолинию, испанларнинг пехтасигача бор. Қаҳратон қишда гуллайдиган кала, баҳорда ифор таратадиган геран, файзли ёз кўрки голланд лолалари, сокин кузда кўзларни қувонтирадиган турли георгиналарни ҳам шу ерда учратиш мумкин.

Тўрт хонали уй, тўрт сотихдан иборат турар-жойнинг чор-атрофи гуллар, ўсимликлардан иборат. Ҳатто ётоқхона, ошхона, омборхона ҳам анвойи гуллар, табиат мўъжизалари билан қопланган.

— 15 йилдирки гул ва ўсимлик йиғишга қизиқиб келаман, — дейди Шавкат Бойматов. — Шу ҳунарим боис қўшни Тожикистон, Туркманистон, Қозоғистону Қирғизистондан танишлар орттирдим. Бу ёғи Францияда касбдошлар бор.

— 1992 йилнинг баҳорида Сочига бордим. Қайтишда икки туп пальма келтириб, уни ҳовлига экдим, илдиз отиб шундай чиройли бўлиб ўсдики, шу-шу ўсимликлар билан «дўстлашдим».

— Бу мушмула, — дейди изоҳ бериб у яна. — Раъногулдошлар оиласига мансуб бута. Йил давомида бир хил — яшил «кийимда». У 3-6 метргача ўсиши мумкин. Думалоқ мева тугади. Ватани — Япония, Эрон, Кичик Осиё ва Болқон ярим ороли. Иссиқхонамизда хушбўй ҳид таратувчи магнолия гули ҳам бор. У асосан Америкада етиштирилади. Атлантика океани бўйларида магнолиянинг қирққа яқин тури бўлса, иссиқхонамизда шундан 13 хили мавжуд. Барглари йирик, кўркам гул...

Суҳбатдошимиз билан иссиқхонага кирамиз. Бу ерда йилнинг тўрт фасли мужассам. Қайсидир дарахт энди баргларини тўкиб, «ухлаётган» бўлса, ёнидаги бутада шодадек қуртак. Анвойи гуллар қизил, сариқ, бинафша рангда товланади.

Юкка гули

— Сиз қараб турган мафтункор гулниага ва дейишади, — давом этади суҳбатдошим. — 2000 йилда Россиядан олиб келганман. Марказий Америка, Мексика, Кавказнинг Қора денгиз соҳиллари, Қримда кенг тарқалган. Бизда унинг 12 тури мавжуд. Дунёда эса 300 дан ошади. Чучмомадошлар оиласига мансуб бу ўсимликнинг толаси пишиқ. Саноатда кенг фойдаланилади.

Ёввойи банан ҳосили

— Иссиқхонамизда Ҳиндистон, Индонезия, Шри-Ланкада ўсадиган ўн хил фикусларни парваришлаяпмиз, — дейди Шавкат аканинг умр йўлдоши Саломат опа. — Аслида у хона ўсимлиги. Бўйи 20-25 метргача етиши мумкин. Тупроқ танламайдиган фикусларни ёзда тез-тез суғориш керак.

Шавкат Бойматовнинг энг ноёб ўсимликлари пальмалар экан. Ер юзида 128 туркум ва 120 дан ортиқ тури бўлган пальмалар тропик ҳамда субтропик мамлакатларда етиштирилади. Тик, бута ҳолда ўсувчи дарахтнинг меваси ширин. Унинг ёғочи, баргидан турли буюмлар ясашда фойдаланилади. Иссиқ иқлимга мослашган пальма 2004 йилда ҳосил берган экан. Ҳозирча унинг 13 хил, 500 дан ортиқ ниҳоли ўстирилмоқда. Шунингдек, бу ерда Россия анори, ноксимон ошқовоқ, кийик шохли гул ва чувалчангсимон кактусларни ҳам учратасиз.

Сиз бир гулнинг бир-бирига ўхшамас баргларини кўрганмисиз? Ҳовлидаги манстра худди шундай. Ҳарчанд ҳаракат қилмайлик, кийик шохига ўхшаш баргларни бир-бирига қиёс қилолмадик. Яна бир ҳайратланарли ҳолат, полиз маҳсулотлари қовун-тарвузнинг дарахтда ўсганини Ўзбекистон шароитида учратиш қийин. Лекин буни қаҳрамонимиз уддалабди. Унинг қовун дарахти — папая нақ дарахт шохида ҳосил беради. Меваси ҳам тотли.

— Мен ҳам гулларни жуда яхши кўраман, — дейди 6-синфда ўқийдиган Мадинахон. — Бўш вақтларимда ота-онамга ёрдам бераман. Ўзимнинг 1,5 мингдан ортиқ гулим бор. Пиларгония, геранд, аляндра, кактус. Йигирма хил голланд лоласи-ю, Хитойнинг камалакранг жиловларда товланувчи гуллари. Улардан айримларининг ўхшаши йўқ хусусиятлари ҳақида гапирай: кордолина аслида яшил ҳолда ўсади. Қуёш нури тегиши билан барглари ўз рангини ўзгартиради. Сарғиш, оч қизил, сариқ. Ўзим агавани яхши кўраман, чунки у тундаям кўз илғамас шаффоф нур таратади.

— Ўзингиз учун энг қадрлиси қайси? — сўраймиз Шавкат акадан.

— Уларнинг барчаси мен учун қадрли. Ҳаммасини авайлаб-асраб, парвариш қиламан. Аммо магнолия, дроцина, пальма трахипарис ҳамда агава — энг яхши гулларим.

— Сир бўлмаса йиллик даромаддан гапирсангиз?

— 2,5 сотих ердан 7 миллион сўмгача фойда кўрганмиз. Аммо шунинг тенг ярмини парваришга сарфлаймиз. Биргина ўтган йили 4 туп магнолияни 600 минг, пальма уруғини 2,5 миллион сўмга сотиб олдик. Яна бир гап. Гулни фақат сопол тувакларга экиш лозим, елим идишга мумкин эмас. Чунки елим иссиқда тупроқни қотирса, совукда намлик кучли бўлади. Тунука, темир идишнинг ҳам зиёни бор. Бундан ташқари, минерал ўғит, кимёвий дорилар ишлатилмайди. Дарахтнинг чириган барги, шарбат, қоратупроқ, турли маҳаллий ўғитлар ўсимликнинг жон озиғидир.

Абдумалик ҲАЙДАРОВ,
«Ўзбекистон овози» мухбири

BOSH MUHARRIR:
Safar OSTONOV

TAHRIR HAY`ATI:
Abdulla ORIPOV
Latif G`ULOMOV
Asliddin RUSTAMOV
Bobir ALIMOV
Sharbat ABDULLAYEVA
Turobjon JO`RAYEV
Feruz NAZIROV
Murodulla ABDULLAYEV
Ulug`bek MUSTAFOYEV
Farruh HAMROYEV
(Bosh muharrir birinchi o`rinbosari)
Muslihiddin MUHIDDINOV
Nomoz SA`DULLAYEV
Svetlana GERASIMOVA
Andrey KUSTOV
Ochilboy RAMATOV
Saidahmad RAHIMOV

MUASSIS:
O`ZBEKISTON XALQ DEMOKRATIK PARTIYASI MARKAZIY KENGASHI

BO`LIMLAR:
Partiya hayoti 133-10-13
Ma`naviyat va ma`rifat 133-69-45
Ijtimoiy hayot va iqtisodiyot 133-20-36
Huquq 136-76-21
Ekologiya va salomatlik 133-44-55
Axborot, sport va harbiy vatanparvarlik 133-21-43
Xatlar va ommaviy ishlar 133-12-56 (Tel. Faks)
Mas`ul kotib 133-72-83
Reklama va e`lonlar 133-38-55, 133-47-80

VILOYAT MUXBIRLARI:
Andijonda — 25-32-70
Buxoroda — 222-10-92
Gulistonda — 25-22-32
Jizzaxda — 5-49-85
Navoiyda — 223-83-73
Namanganda — 6-43-43
Nukusda — 222-70-15
Samarqandda — 35-20-54
Urganchda — 226-51-35
Farg`onada — 26-43-62
Termizda — 3-79-98

MANZILIMIZ:
700000, TOSHKENT, MATBUOTCHILAR KO`CHASI, 32-UY.
e-mail: info@uzbekistonovozi.uz

Navbatchi: Zayniddin MAMADALIYEV

Gazeta «O`zbekiston ovozi»ning kompyuter markazida terildi va sahifalandi.
Sahifalovchi-dasturchilar: Ikromjon ISMOILOV, Sobirjon TUNG`ATOV

«Sharq» nashriyot-matbaa aksiyadorlik kompaniyasi bosmaxonasida chop etildi.
Korxona manzili: Buyuk Turon ko`chasi, 41-uy.

Gazeta O`zbekiston Matbuot va axborot agentligida 0006-raqam bilan 2007 yil 11 yanvarda ro`yxatga olingan.
Gazeta ofset usulida, A-2 formatida bosildi. Hajmi 2 bosma taboq.
Gazeta seshanba, payshanba va shanba kunlari chiqadi.

«O`zbekiston ovozi» materiallarini ko`chirib bosish faqat tahririyat ruxsati bilan amalga oshiriladi.

Г — 146
14282 nusxada bosildi
Г — Тижорат материали
O`zA yakuni — 21.00
Topshirilgan vaqti — 21.45
1 2 3 4 5
Sotuvda erkin narxda